

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2026 йил апрель ойининг 22 куни, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман суди ўз биносида очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: туман судининг раиси У.Солиев,

Судья ёрдамчиси-Ж.Абдухошимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Пахтаобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси Э.Исомитдинов, судланувчи З.Жва унинг ҳимоячиси-Пахтаобод тумани “Adolat asosida” адвокатлик бюроси адвокати О.Абдуллаев, жабрланувчи СЗ.Жва фуқаровий даъвогар З.Жларнинг иштирокида, З.Жга оид 1-1712-2601/64-сонли жиноят ишени кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

З.Ж ( [REDACTED] туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, [REDACTED] яшайди, иш бўйича муносиб

ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2026 йил 30 мартдаги ажримига кўра, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, қидирув эълон қилинган, 2026 йил 22 апрелда қидирувдан ушланган, айблов далолатномаси нусхасини 2026 йил 28 февраль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни;

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи З.Ж2025 йил 9 август куни соат 14<sup>00</sup> ларда Пахтаобод тумани, [REDACTED]

[REDACTED] яшаш хонадонига трактор эҳтиёт қисмларини сўраб бориб, хонадон эгасининг рухсати билан яшаш хонадонига кириб, СЗ.Жтрактор эҳтиёт қисмларини қидираётган вақтида унга тегишли 1 дона нархи 1.550.000 сўмлик “Redmi note 13” русумли уяли телефон аппаратини стул устида қаровсиз қолдирганлигидан фойдаланиб, ушбу уяли телефон аппаратини яширин равишда талон-тарож қилиб, фуқаровий даъвогар З.Жга жиний йўл билан қўлга киритилганлигини айтмасдан 600.000 сўмга сотиб юборган.

З.ЖЎзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган.



Суд мажлисида, судланувчи З.Жярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини тўлиқ англаб етиб, жабрланувчи СЗ.Жва фуқаровий даъвогар З.Жга етказилган моддий зарарларнинг ўрнини тўлиқ бартараф қилиб, улардан кечирим сўраганлигини, СЗ.Жва З.Жлар уни кечирганлигини, бир-бирлари билан бирон бир шахснинг тазйиқисиз ярашиб олишганлигини, ярашувга розилигини ва ярашув оқибатлари унга тушунтирилганини билдириб, суддан ўзига оид жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатиш;

- жабрланувчи СЗ.Жсудда, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, судланувчи З.Жсуд муҳокамаси даврида айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини тўлиқ англаб етиб, ундан кечирим сўраганлигини, “Redmi note 13” русумли уяли телефон аппарати ўзига ҳеч қандай шикастсиз тилхат орқали қайтарилганлиги оқибатида жиноят оқибатида етказилган моддий зарарининг ўрни тўлиқ бартараф қилинганлигини, Ж.Зокировга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини,

у билан бирон бир тазйиқисиз ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, ярашувга розилигини инobatга олиб, Ж.Зокировга оид жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишини, агарда ушбу ярашувни суд тасдиқласа ЖПКнинг 583-моддасига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши суд томонидан унга тушунтирилганлиги;

- фуқаровий даъвогар З.Ж судда, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, судланувчи З.Жсуд муҳокамаси даврида айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини тўлиқ англаб етиб, ундан кечирим сўраганлиги ва унга етказилган 600.000 сўм моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, Ж.Зокировга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, у билан бирон бир тазйиқисиз ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, ярашувга розилигини инobatга олиб, Ж.Зокировга оид жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишини, агарда ушбу ярашувни суд тасдиқласа ЖПКнинг 583-моддасига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши суд томонидан унга тушунтирилганлигини баён қилди.

Суд, судланувчи Ж.Зокиров, жабрланувчи СЗ.Жва фуқаровий даъвогар З.Жларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Пахтаобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси Э.Исомитдинов ва ҳимоячи О.Абдуллаевнинг жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, ярашув тўғрисидаги аризаларни алоҳида хонада муҳокама қилиб, уларни бу ҳақидаги аризаларини қуйидаги асосларга кўра қаноатлантиришни лозим деб топди.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 66<sup>1</sup>-моддасининг 1-қисмида, ЖКнинг 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилик) назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги;

- ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисмида, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Бу ўринда, Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 1-бандида, ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлиши, ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин бўлган жиноят таркиблари Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида тугал келтирилган бўлиб, унинг доираси кенгайтириб талқин этилиши мумкин эмаслиги, ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг таркиби Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида белгиланганлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқорида қайд этилган Қонун талаблари ва Олий суд Пленумида берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчи Ж.Зокировнинг айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини тўлиқ англаб етганлигини, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ бартараф қилганлигини, жабрланувчи СЗ.Жва фуқаровий даъвогар З.Жларнинг ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, бир-бирлари билан бирон бир тазйиқсиз ихтиёрий равишда ярашиб олишганлигини, шунингдек З.Жтомонидан содир этилган

Ўзбекистон Республикаси  
ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси таъсир доирасига тушишини инобатга олиб, унга оид жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш;

- иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “Redmi note 13” русумли уяли телефон апаратини қонуний эгаси С.Мамадалиевга тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олиш;

- жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ бартараф қилинганлиги сабабли, жабрланувчи СЗ.Жва фуқаровий даъвогар З.Жларнинг судланувчи Ж.Зокировга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:





Ҳужжат имзоланган: Солиев Умиджон Махмудович, 22.04.2026

